

Япониялик меҳмонимизнинг ташрифи



10:16 / 08 январь 796

7 январь куни нашриётимизга япониялик олима – Киото университети қошидаги Жануби-Шарқий Осиё тадқиқотлари марказининг профессори **Чико Обия** хоним ташриф буюрдилар. Обия хоним Япония ўртаосиёшунослик жамиятининг раисаси эканлар, Марказий Осиё халқларининг тарихий, маънавий-маданий мероси ва оилавий қадриятларини чуқур ўрганган тадқиқотчи эканлар, бир неча йил Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонасида ҳам ишлаган эканлар. Устозимиз фазилатли **шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** ҳазратларининг ҳаёти ва илмий фаолиятини яхши билар эканлар, у кишига ҳурматлари жуда баланд экан. Шу муносабат билан Киото университети кутубхонасида алоҳида бўлим ташкил қилиб, у ерга шайх ҳазратларининг барча асарларини тўплаш ниятида марказий дўконимизга ташриф буюрибдилар. Ватанимизнинг тарихига, халқимизнинг иймон-эътиқодига,

устозимизнинг илмий меросига бундай ҳурмат-эҳтиромдан ниҳоятда хурсанд бўлдик. Меҳмонимиз нашриётимизнинг тарихи, бош дўконимизнинг кечаги ва бугунги ҳолатини катта қизиқиш билан ўргандилар, шайх ҳазратларининг юздан ортиқ китобларини харид қилдилар.

Нашриётимиз раҳбарияти Чико Обия хонимга ва Киото университетига ҳадялар топшириб, бундай дўстона муносабатларни келгусида ҳам давом эттириш истагини билдирди.



